

Нодира САИДОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азхар кафедраси
ўқитувчиси

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ РИВОЖЛАНИШИДА МОДУЛЛИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ МОДУЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ

THE IMPORTANCE OF MODULE EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF MODERN EDUCATION

Аннотация. Мақолада «Маърифий фикрлар тараққиёти ва унинг тарихийлиги» модулини ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш масаласини ўрганишга эътибор қаратилди.

Калит сўзлар: маърифий фикрлар, тараққиёт, тарихийлик, модул, инновацион таълим технологиялари.

Аннотация. Целью статьи является выявление возможностей использования инновационных технологий в обучении модуля «Развитие идей просвещения и их история».

Ключевые слова: просветительные мысли, развитие, исторические, модуль, инновационные образовательные технологии.

Annotation. The purpose of the article is to identify the possibilities of using innovative technologies in the training of the module «Development of the Ideas of Enlightenment and their history».

Keywords: educational thoughts, development, historical, module, innovative educational technologies.

КИРИШ

Мустақил Республикамиз келажаги, равнақи ёшларимизнинг юқори маънавиятли, ижодий фикрлаш қобилиятига ва мустақил ўрганиш кўникмаларига эга шахс сифатида шаклланиб боришига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданок, давлатимиз халқимизнинг буюк маънавиятини тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-

тарбия тизимини такомиллаштириш, уни замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари даражасига чиқариш мақсадига жуда катта аҳамият бериб келмоқда.

Таълим-тарбия жараёнининг ёшларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга мос бўлиши барча таълим муассасаларида (боғча, мактаб, лицей, коллеж, университет) таълим берувчи ва таълим олувчилар муносабатларини демократлаштириш, ўқитувчининг мавқеига нисбатан қарашни, таълим шакли, мазмуни ва технологияларига янгича, яъни инновацион ёндашувни жорий қилишни тақозо этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Шу вақтгача анъанавий таълимда талаба (ёки ўқувчи)ларни факат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинган эди. Бундай усул талаба (ёки ўқувчи)ларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликни сўндираётган эди.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар талаба (ёки ўқувчи)лар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида талаба (ёки ўқувчи) асосий фигурага айланади.

Бугунги кунда таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида педагогик технологиялар (интерфаол методлар)дан фойдаланишга алоҳида эътибор берилётганининг асосий сабаби куйидагилардир:

Биринчидан, педагогик технологияларда шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш имкониятининг кенглигида. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Иккинчидан, педагогик технологиялар ўқув-тарбия жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини беради.

Учинчидан, педагогик технология ўқитувчини таълим-тарбия жараёнининг мақсадларидан бошлаб, таъхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Тўртинчидан, педагогик технология янги воситалар ва ахборот усуллари кўллашга асосланганлиги сабабли, уларнинг қўлланилиши «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга оширишни таъминлайди.

Инновация (инглизча) – янгилик қиритиш, янгилик демакдир.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи) фаолиятига янгилик, ўзгаришлар қиритиш бўлиб, уни амалга оширишда, асосан, интерфаол услублардан фойдаланилади.

Интерфаол – ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, **ўқитишнинг интерфаол** услубиётлари -билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар.

Таълим инновационлари таълим тизимини қуйидаги асосий ўзгаришларга олиб келади (И.П.Подласий):

- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- талаба фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувининг ўзгариши;
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши.

Инновацион фаолият – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида

вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият ҳисобланади¹.

Инновацион фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратишдан иборат.

Инновацион фаолият педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади.

Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш бир неча босқичларда кечади. Улар қуйидагилардир:

1. Муаммони таҳлил асосида аниқлаш.
2. Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш.
3. Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш.
4. Ўзгаришларни амалга ошириш.

Бугунги кунда педагогларнинг инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштири олишларида уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади². Ўз моҳиятига кўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндашувни қарор топиши асосида кечади. Педагогларда инновацион ёндашувнинг қарор топиши ҳам мураккаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади.

1. Тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилади.
2. Мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни қиритади.
3. Янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиради.
4. Педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ё методикасини яратади.

¹ Сайидахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. – Тошкент: РТМ, 1999. – Б. 61.

² Педагогик технология ва педагогик маҳорат / С.А.Мадиярова ва б. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2009.

Олимлар томонидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, таълимни ривожлантиришнинг самарали йўналишларидан бири – фанларни модулли технология асосида ўқитишдир. Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган, яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда ўқувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, бевосита касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Модулли ўқитиш – дунё таълим амалиётида тан олинган ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у ўқувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимида энг яхши мослашгандир.

Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятларини қуйидаги жадвалда келтирилди.

Анъанавий ўқитиш технологиясига асосланган таълим	Модулли ўқитиш технологиясига асосланган таълим
• бир томонга йўналтирилган ахборот • Бир томонлама мулоқот (дарслик, ўқитувчи, ўқувчи) • ахборот олиш • хотирада сақлаш • маъносини тушунмаган ҳолда ёдлаш	• фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олиш • икки томонлама мулоқот • таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш • билим ва кўникмаларни намоиш этиш • мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, модулли технологияга асосланган таълим, анъанавий таълимдан ўқитиш усуллари ва воситалари, уни ташкил этиш ва натижалари билан сезиларли фарқ қилади. Модулли ўқитиш, касбий таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади:

– модуль – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш, дастурлар ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлаш;

– ўқитишни индивидуаллаштириш;
– амалий фаолиятга ўргатиш ва ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;

– ўқувчиларни касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш, мустақил ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

– таълим муассасасининг моддий-техник базаси;

– малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;

– ўқувчилар тайёргарлиги даражаси;

– кутиладиган натижалар баҳоси;

– дидактик материалларнинг ишлаб чиқилиши;

– модуллер натижаси ва таҳлили.

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ҳамда табақалаштириш орқали, босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади, яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишда қуйидаги мақсадлар назарда тутилади:

– ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;

– ўқитишни индивидуаллаштириш;

– ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;

– ўқитишни жадаллаштириш;

– фаннинг самарали ўзлаштирилишига эришиш.

Модулли ўқитиш, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модуль амалий ва лаборатория машғулоти маърузалар билан бирга тузилиши, уларни маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиш керак.

Модулни ўқитишнинг самарадорлигини ошириш учун ўқитишнинг қуйидаги усулларини қўллаш мумкин:

– муаммоли мулоқотлар;

– эвристик суҳбатлар;

– ўқув ўйинлар;

– лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Модулли таълим юқорида айтиб ўтилганидек “субъект-субъект” муносабатларига қурилган.

Шу сабабали талабаларнинг мустақил фаолиятига катта эътибор қаратилади. Талаба мустақил фаолиятини самарали бўлиши учун педагогдан турли хилдаги маслаҳатлар тизими талаб қилинади. Шу сабабли хориж тажрибасида педагогик ёрдамнинг турли кўринишлари такомиллашиб борди ва бугунги кунда педагогик фаолиятига кўра бир қанча тушунчалар келиб чиқишига сабаб бўлди. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Тьютер – (лот. *tutorem* – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.

Эдвайзер – (advisor – қадимги француз сўзи “avisen”, “ўйламоқ” сўзидан олинган) индивидуал ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот олиб бориш, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.

Фасилитатор – (ингл. *facilitator*, лот. *facilis* — «енгил, қулай» деган маънони билдиради) гуруҳларда фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади. У гуруҳлардаги фаолиятни самарали бўлишини таъминлаши, гуруҳда соғлом коммуникацияни ўрнатиши, гуруҳда ишлаш қоидаларига ва регламентларга амал қилишни таъминлаши жоиз. Фасилитатор гуруҳда қулай психологик муҳитни яратади ва фаолиятни самарали бўлишига ёрдам беради. Ушбу тушунча мумтоз психолог Роджерс Карл томонидан киритилган бўлиб, инглиз забон мамлакатларининг таълим муассасаларида кенг фойдаланилади. 1989 йилдан буён Халқаро бош фасилитаторлар ассоциацияси (The International Association of Facilitators) фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда унинг фаолиятида 63 давлатнинг 1200 аъзоси иштирок этмоқда. Фасилитатор фаолияти турли моделларда учрайди. Қозоғистон миллий тиббиёт университетида бўлажак шифокорларни касбий фаолиятини моҳиятини чуқур тушиниши ва ўз шахсини мутахассис сифатида тараққиётини таъминлашда психологик-педагогик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. Фасилитатор фаолияти ҳар қандай тренингнинг таркибига киради. Турли амалий фаолиятларни онлайн тизимида, гуруҳларда ташкил этиш жараёнида фасилитаторлик хусусиятлари ўз аксини топади.

Модератор – (лот. *moderor* — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

Супервизор – қуйидаги тўрт вазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.

Супервизия — бу ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутати. Бу фаолият айниқса психотерапевтларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Супервизия касбий компетентликни оширишга, билим, кўникмаларни янада такомиллаштиришга ва шахсий камолотга эришишга ёрдам беради. Баъзи мутахассисликларни ўқув режасида (Клиник психология) “Супервизорлик” курси ўқитилади. У мажбурий амалий курс ҳисобланади. Умуман олганда, юқорида қайд этилган тушунчалар бир маъно ва бир вазифани ўзида акс эттирмайди. Улар орасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Улар ҳаммаси маслаҳат тизимига эга бўлиб, қандайдир фаолиятга урғу берган ҳолда олиб борилади. Лекин турли олийгоҳларда ушбу фаолиятлар турлича номланиши ҳам мумкин. Кейинги вақтларда модулли таълим тизимида комплекс ёндашув тамойили кучайиб бормоқда.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари эътироф этилган:

- фанлар ва модуллар бўйича ўқитиш узлуксизлигининг таъминланиши;
- модуллараро методик жиҳатдан асосланган мувофиқлик ўрнатилиши;
- фаннинг модулли тузилиши таркибининг мосланувчанлиги;
- ўқувчиларнинг қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг, ўқитувчи айрим ўқувчиларга фанни индивидуаллаштиришни тавсия этиши мумкин);
- ахборотни «сикиб» бериш натижасида ўқитишни жадаллаштириш, аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини, маърузавий, амалий (тажрибавий) машғулотлар, индивидуал ва

мустақил ишлар учун ажратилган соатларни оптималлаштириш.

Бунинг натижасида, ўқувчи етарли билим ва кўникмаларга эга бўлади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, инновацион ва интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, гоёвий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи (ўқувчи, талаба)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқаришда катта имкониятларга эга.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жалилов З.Б. Шарқ мутафаккирлари меросини ўрганишнинг дидактик методлари. Замонавий таълим / Современное образование 2017. – Б. 5.
2. ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг ўрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё тамаддунида тутган ўрни // Халқаро конференция, 1998 й. Париж ш.
3. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х.А., Алқаров И., Усмонов Н.Ў., Исъянов Р.Г., Юзликаев Ф. Педагогика назарияси (Дидактика). / Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: «Фан ва технологиялар», 2011. -144-б.
4. Буюк сиймолар, алломалар (нашрга тайёр. Акад. М.М.Хайруллаев) Тошкент: Мерос, 1995.
5. Ҳасанов С. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
6. Ҳасанов Р., Ҳасанова Б. Шарқ уйғониш даври ва бу даврдаги педагогик фикрлар., Т., МРДИ., 2000. (воизга ёрдам)
7. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Х. Педагогика тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
8. Сайидахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. – Тошкент: РТМ, 1999. – Б.61.
9. Педагогик технология ва педагогик маҳорат / С.А.Мадиярова ва б. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2009.
10. Ҳошимов К., Нишонов С, Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1996.
11. Ўзбек педагогикаси тарихи. (Проф. А.Зуннунов тахр. остида.) – Тошкент: «Ўқитувчи», 1997.
12. Ходжаев Б.Х. «Педагогик фанларнинг долзарб муаммолари ва замонавий концепцияси» модули бўйича маъруза матнлари “Педагогика (таълим соҳалари)” Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумқасбий ва махсус фанлари педагоглари учун. – Тошкент, 2013.
13. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.
14. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари – Тошкент: 2006. – 260 б.